

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЯНГИЕР ФИЛИАЛИ**

**МЎМИНОВ ХОЛМУРОТ ТУРДИКУЛОВИЧ**

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН  
ТАЛАБАЛАРНИНГ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Техника йўналишидаги олий таълим муассасалари мисолида)**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Мўминов Холмурот Турдикулович**

Амалий машгулотларда ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш (Техника йўналишидаги олий таълим муассасалари мисолида).....3

**Муминов Холмурот Турдикулович**

Совершенствование методики формирования умений и навыков у студентов с инвалидностью (с нарушениями двигательного аппарата) на практических занятиях (на примере высших учебных заведений технического профиля).....25

**Muminov Holmurot Turdikulovich**

Improving the methodology of forming skills and abilities of students with disabilities in practical (on the example of higher educational institutions of technical profile).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЯНГИЕР ФИЛИАЛИ**

**МЎМИНОВ ХОЛМУРОТ ТУРДИКУЛОВИЧ**

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН  
ТАЛАБАЛАРНИНГ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Техника йўналишидаги олий таълим муассасалари мисолида)**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.Phd/Ped 3751 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ipetvit.uz](http://www.ipetvit.uz)) ҳамда "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муллахметов Радик Гилазович  
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Расмий оппонентлар:

Тўракулов Олим Холбўтаевич  
педагогика фанлари доктори, профессор.

Мирзаева Феруза Тиллаевна  
педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши Давлат университети

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "03" "09" соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37, e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (05 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2022 йил "09" "09" куни тарқатилди.  
(2022 йил 09.09 даги № 8 рақамли реестр баённомаси)

  
Р.Х. Ёжуроев  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д.,  
профессор  
С.Ю. Ашурова  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қотиби, п.ф.н.,  
профессор  
Х.Ш. Қодиров  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳоннинг бир қатор етакчи олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ўқитишнинг анъанавий ҳамда масофавий шаклларида биргаликда фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, АҚШ, Россия, Буюк Британия ва Жанубий Корея каби ривожланган давлатлар олий таълим тизимида ногиронлиги бўлган талабаларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор берилмоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларининг олий инклюзив таълимида анъанавий ва масофавий таълимни ўзаро интеграциялашда аралаш таълим технологияларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Шунинг учун олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий машгулотларда кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда тўсиксиз муҳитни яратиш технологиясини татбиқ этиш, ўқув жараёнини амалга оширишни жорий этиш босқичига доир педагогик моделларни ишлаб чиқиш, ўқитишнинг психологик-педагогик хоссаларини аниқлаштириш, таълим жараёнида оптимал ўқув вариантларини танлашни амалга оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса техника йўналиши олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларнинг амалий машгулотларда кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, олий таълим сифатини янги босқичга кўтаришда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ишлаб чиқариш соҳасида бўлажак муҳандисларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда объектив баҳолашда таълимнинг ноанъанавий шакллари, усуллари ва воситаларидан биргаликда фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди.

Республикамизда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим жараёнига халқаро стандартларга асосланган илгор педагогик технологияларни жорий этиш борасида олиб борилаётган кенг ислоҳатлар натижасида олий таълим муассасаларида ўқитиш сифат-самарадорлиги ошиши учун малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда амалий машгулотларни бажариш, талабаларнинг лойиҳалаш қобилиятларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида “Давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали

кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> устувор вазифаси белгиланган. Шу нуктаи назардан олий таълим муассасаси ҳар бир талабани замон талаби асосида ҳар томонлама шаклланган шахс бўлишида, жамият ишларида фаол қатнашишида, ҳаракатида ва ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга. Тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларни меҳнатга ўргатиш жараёнида таълим бериш ва педагогик малакасини шакллантириш муаммоси тизимли ёндашишни талаб қиладиган ўта мураккаб, кўп қиррали ижтимоий-педагогик муаммо деган хулосага келдик. Муаммога доир илмий тадқиқот ишларини ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида шу нарса маълум бўлдики, олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларни меҳнатга ўргатиш жараёнида таълимнинг анъанавий ва масофавий шакллари уйғунлашган ҳолда қўллаш орқали уларнинг амалий малакасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш махсус тадқиқ этилмаган. Таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш учун ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш даркор. Дунёқараши кенг, соғлом онгли инсонни тарбиялаш учун, албатта, соғлом тафаккурни шакллантириш зарур.

Ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) бўлажак мутахассисларнинг таълим олиши бугунги кунда давлат ижтимоий фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрьдаги ЎРҚ-641-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 22.07.2020 й. Қабул қилинган, Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрьдаги маъқулланган), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июньдаги ПҚ-3787-сон “Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июльдаги 411-сон “Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5217-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Т., 2022. – Б. 39.

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоёлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтказилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда таълимда ахборот технологияларини жорий этиш, бўлажак мутахассислар касбий фаолиятининг ахборот-дастурий таъминотини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар Р.Х.Джураев, А.Абдукодиров, М.Арипов, Н.Муслимов, У.Бегимқулов, З.Исмаилова, Ф.Закирова, Н.Тайлоқов, Ж.А.Ҳамидов, Ш.Шарипов, О.Туракулов Т.Шоймардонов, С.Ғуломов, Д.Н.Маматов, А.Э.Обидов каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларга таълим-тарбия бериш, уларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, таянч-ҳаракат аъзолари бузилган ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш, жисмоний ногиронлиги бўлган ёшларни касб-ҳунарга тайёрлашда махсус фанларни инновацион технологияларни қўллаб ўқитиш масалалари бўйича мамлакатимиз олимларидан Ф.Т.Мирзаева, О.У.Авлаев, Д.А.Сайфуллаева, Ғ.Қ.Нуримов Л.Ш.Нурмуҳаммедова, Л.Р.Мўминова ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.А.Андреев, Т.В.Ғромова, Е.В.Котова, Д.С.Киселев, О.Лавров, О.А.Тарасова, Е.Кузнецов, А.А.Ступин, И.Н.Розина, Ю.Р.Кофтан, М.Лапчик ва бошқаларнинг тадқиқотлари ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) ёшларни олий таълим муассасаларида таълим олишга қизиқтириш ва мослаштиришнинг интегратив технологиясини ишлаб чиқиш масалаларига багишланган.

Хорижий олимлардан R.Jirmann, D.A.Boyarinov, R.England, J.H.Lee, M.Kimko, D.S.Mirliss, N.Hammond, A.Jones, J.Campo-Avila ва бошқаларнинг илмий изланишлари ногиронлиги бўлган ўқувчиларга таълим берувчи бўлажак педагогларни тайёрлашда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ва қўллаш масалаларига қаратилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқадиган бўлсак, ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг таълим олишининг имкониятлари бўйича амалий аҳамиятга молик ёндашувлар илгари сурилган бўлсада, техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларни ўқитишда ногиронлиги бўлган талабаларнинг амалий машгулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг психологик-педагогик ҳамда

дидактик имкониятларини кенгайтириш муаммолари етарлича тадқиқ этилмагани мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши ИТД-1. А-1-173 “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” (2017-2021-йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумкасбий фанларни ўқитишда ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий машгулотларда кўникма ва малакаларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларнинг амалий машгулотларини ташкил этишнинг мазмуни, ҳолати ва уларнинг таркибий қисмларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларни касбий фаолиятга мослаштириш ҳамда амалий машгулотларни бажаришга имкон берувчи умумкасбий фанларни ўқитишнинг дидактик таъминотини аниқлаш;

амалий машгулотларни мустақил бажаришга имкон берувчи умумкасбий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳамда таълим амалиётига рақамли таълим воситаларини қўллашнинг шарт-шароитларни белгилаш;

ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий машгулотларда кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган анъанавий ҳамда масофавий таълимни ўзаро интеграциялашнинг модели ва умумкасбий фанларини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг амалий машгулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси бўйича баҳолаш меъзонлари ҳамда кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш, олинган натижаларга математик-статистик таҳлил қилиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқот объектини** техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий машгулотларда кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий машгулотларда кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнининг шакл, метод ва технологиялари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда назарий (илмий адабиётларни ўрганиш, ҳужжатлар таҳлили, таҳлил, синтез, таққослаш, моделлаштириш) ва эмперик (сўров, математик ва статистик) усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

муҳандислик фаолиятида касбий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган услубий-дидактик таъминот, ногиронлиги бўлган талабаларнинг жисмоний имкониятларини эътиборга олиш ҳамда

касбий фаолиятга мослаштириш, талабларини ўзлаштириш имкониятлари ва мотивацион эҳтиёжларини коррекциялаш натижасида мазмунан оптималлаштирилган;

олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш методикаси, ногиронлиги бўлган талабалар учун масофавий таълим имкониятларини ўрганиш, саралаш, умумкасбий фанларни ўқитишга мўлжалланган рақамли таълим воситаларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

“Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” фанларини ўқитишнинг дидактик шарт-шароитлари анъанавий ва масофавий таълимни ўзаро интеграциялашда аралаш таълим шаклини ҳамда ногиронлиги бўлган талабаларни амалий кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган тўсиқсиз муҳитни яратиш технологиясини (умумкасбий фанлар мисолида) татбиқ этиш орқали ривожлантирилган;

касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилиш методлари ҳамда амалий кўникма даражасини баҳолашнинг мотивацион, когнитив-фаолиятли, рефлексив мезонлари ва усуллари ногиронлиги бўлган талабаларни психологик, физиологик, шахсий хусусиятларини ўзаро мувофиқлаштириш орқали оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

техника йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларини муҳандислик ишларини лойиҳалаш, уни амалга ошириш ва шу билан бирга уларда амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи “Техник механика” номли ўқув-услубий қўлланма нашр қилинган;

ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг методик модели ишлаб чиқилган;

умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган ахборот-дидактик таъминот, жумладан, замонавий интерфаол ўқитиш методлари, лойиҳалаш характеридаги машқлар ва амалий топшириқларни ўз ичига олган ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилган ҳамда таълим амалиётга жорий этилган;

интеллектуал мулк агентлиги томонидан масофавий таълим технологияларига оид дастурий воситалар ва электрон маълумотлар базаси учун 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган (№ DGU 11773);

ногиронлиги бўлган талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнини офлайн ҳамда онлайн амалга оширишнинг дидактик ва дастурий таъминоти учун – “Электрон таълим платформаси” moodle платформаси ишлаб чиқилган;

“Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” (умумкасбий) фанларидан амалий машгулотларни виртуал, видео, анимация, тақдимот слайдлари ёрдамида

касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиладиган ўқув-методик таъминотининг мазмуни янгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари ишларига асослангани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўллангани, нашр этилган услубий қўлланмалар, республика ва халқаро микёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумкасбий фанлар, хусусан, “Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” фанларидан ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларни таклиф этилган янгича ёндашувлар асосида уларнинг амалий кўникма ва малакаларини замонавий интерфаол методлар орқали шакллантириш имкониятларини кенгайтириш, илмий фикрларини ривожлантириш, таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни жорий қилиш, дарс машгулотларини ташкил этишда дастурий таъминот воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) бўлажак муҳандисларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш методикасини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш ҳамда педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, баҳолаш мезонлари ҳамда кўрсаткичларни ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш бўйича методик тавсиялар келтирилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълимда ногиронлиги бўлган талабаларнинг амалий машгулотларда кўникма ва малакаларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” фанларини ўқитишнинг дидактик шарт-шароитлари анъанавий ва масофавий таълимни ўзаро интеграциялашда аралаш таълим шаклини ҳамда ногиронлиги бўлган талабаларни амалий кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган тўсиқсиз муҳитни яратиш технологиясини умумкасбий фанлар мисолида татбиқ этиш орқали такомиллаштирилганлигига оид таклифлар “Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” фанларидан тайёрланган силлабус мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 08 январдаги 89-03-113-сон маълумотномаси). Мазкур ишлаб чиқилган услубий дидактик таъминот таълим жараёнида

ногиронлиги бўлган талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берган;

муҳандислик фаолиятида касбий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган услубий-дидактик таъминот ногиронлиги бўлган талабаларни жисмоний имкониятларини эътиборга олиш ҳамда касбий фаолиятга мослаштириш талабларини ўзлаштириш имкониятлари ва мотивацион эҳтиёжларини коррекциялаш орқали мазмунан оптималлаштирилганлигига оид хулосалар Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиали, Фаргона политехника институти, Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали, Гулистон давлат университетларида тажриба-синови машгулотларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 08 январдаги 89-03-113-сон маълумотномаси). Натижалар ногиронлиги бўлган талабаларнинг замонавий техник билимларни ўзлаштириш ва фаолиятда қўллай олиш малакаларини ривожлантиришга кўмаклашган;

касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилиш методлари ҳамда амалий кўникма даражасини баҳолашнинг мотивацион, когнитив-фаолиятли, рефлексив мезонлар кўрсаткичлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган талабаларга мўлжалланган мантикий топшириқлар, тестлар, лойиҳа топшириқлари олий таълим муассасалари таълим жараёнига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 89-03-277-сон маълумотномаси). Натижада ногиронлиги бўлган талабаларнинг мустақил масофавий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 дан ортиқ илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда, 4 таси республика журналларида ва 14 та илмий-амалий анжуман материалларида чоп этирилган. Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Олий таълимда ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий машғулотларини ўтказишнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида олий таълимда ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларни ўқитишнинг назарий асослари, техника йўналиши олий таълим муассасаларида амалий машғулотларни ўтказиш жараёнининг шарт-шароитлари ва муаммолари ҳамда техника йўналиши олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларни ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳақида фикр юритилган.

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг таълим олишидаги муаммолар:


1. Олий таълим муассасаларининг олий инклюзив таълим талабларига (шарт-шароитларнинг) жавоб бермаслиги;

2. Ногиронлиги бўлган талабалар учун махсус ўқув режа ва дастурларнинг йўқлиги ёки уларга мослаб тузилмаслиги, махсус гуруҳлар, аудиториялар ташкил этилиб таълим берилмаслиги;

3. Масофавий таълим бериш тўлиқ йўлга қўйилмагани каби бир қанча омилларни кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4359-сон қарорига асосан 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларига алоҳида 2 %ли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари белгиланди. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб, ногиронлиги бўлган ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси ортиб бормоқда. Буни қуйидаги берилган диаграммадан кўришимиз мумкин.

**1-диаграмма. Ўқув йиллари кесимида ногирон талабаларга ажратилаётган квоталар ҳажми.**



2021-2023 йиллар мобайнида олий таълим муассасаларининг 81 та бино ва иншоотларида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари олиб борилиб, мазкур объектларда ногирон талабалар учун барча қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилиб, олий таълим муассасалари биноларининг ички ва ташқи йўлакларида таянч-ҳаракат тизимида ногиронлиги бўлган талабаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун кириш жойларида меъёр талабларига мос пандуслар, тутқичлар, махсус (тактиль плиткали) йўлаклар ва юқори қаватларга кўтарилиш учун лифт ёки кўтарма йўлаклар ҳамда биринчи қаватларида алоҳида махсус ҳожатхоналар барпо этилиши аниқ белгилаб берилди.

Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари тажрибаси, шарт-шароитлари асосида бакалаврият таълим йўналишларининг малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмунини модернизациялаш ва такомиллаштириш, ўқув амалиётига илғор хорижий тажрибалар, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, электрон ўқув модуллари, мультимедиа ишланмаларини яратиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва электрон ўқитиш шаклларини жорий қилиш орқали таълим сифатини такомиллаштириш, сифатли кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларга таълим беришда ахборот-коммуникация ва рақамли таълим технологиялари имкониятларидан фойдаланиш асосида ўқитиш ишларини ташкил қилиш ва унинг дастурий таъминотини яратиш ҳамда дидактик таъминотини кенгайтириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий ва масофавий таълимни ўзаро интеграциялаш орқали амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида АКТ имкониятларидан фойдаланиш 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ахборот-коммуникация технологияларининг таълим жараёнига татбиқи.

Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг жадал ривожланиши нафақат анъанавий таълимда, балки масофавий таълим жараёнларида янги имкониятлар: масофавий электрон таълим ресурслари орқали дарсларни ташкил этиш, zoom-конференциялар, онлайн дарсларни қўллашга имкон бермоқда.

Диссертацияда анъанавий таълим билан бир қаторда масофавий таълим технологияларининг асосий шакллари жорий этишнинг умумий шарҳи ҳам келтирилган. Улар қаторига қўшимча сифатида ўқув жараёнининг масофавий таълимни бошқариш тизимини (LMS – Learning Management System) жорий этиш; MOOC (Massive Open Online Courses) – оммавий очиқ онлайн курсларнинг жорий қилиниши; электрон таълим платформасининг электрон-таълим муҳитида олиб боришнинг замонавий шакли жорий этилиши кабиларни келтириш мумкин. Ушбу технологиялар ва платформалар орасидан сўнгги пайтларда кенг оммалашиб бораётган масофавий электрон таълим платформаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълим муассасаларида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш компетентлигининг ривожланиши жадал ривожланаётган рақамли муҳитда профессор-ўқитувчининг ахборот маданиятининг ошишига ва уларнинг талабалар билан бўладиган мулоқатларининг самарадорлиги ошишига олиб келади. Чунки масофавий электрон таълим ресурсларининг кенг имкониятларга эгаллиги, фойдаланиш қўламининг кенглиги билан таълим тизимида кенг қўлланмоқда.

Бугунги кунда умумкасбий фанларни ўқитишда янги ўқитиш методларидан самарали фойдаланиб, ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш зарурияти долзарблигича қолмоқда. Муаммони ҳал этиш йўллари билан бири анъанавий ва масофавий таълим технологиялари асосида яратилган электрон таълим ресурслари орқали масофали ўқитишни ташкил қилишда умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ҳамда тизимларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимларига масофавий таълим технологиялари асосида ишлаб чиқилган электрон таълим ресурсларида жойлаштирилган ўқув дастурлари, режалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, семинар, амалий машғулотлари мазмуни, анкета саволлари, тест тизимлари, лойиҳа топшириқлари мажмуасини келтириш мумкин. Шунинг учун масофавий таълим технологиялари асосида ишлаб чиқилган электрон таълим платформаси ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабалар ва уларга таълим бераётган педагогларни мутлақо янги ўқув-услубий воситалар билан таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган электрон таълим платформаси таркибида турли хил курслар, амалий мазмундаги материаллар, билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар мазмунини ишлаб чиқиш, унга жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича методик ишланмалар, тавсиялар зарурлиги, шунингдек, бу соҳадаги илмий изланишлар олиб борилаётганлиги, ривожланган мамлакатлар сингари талабаларни ишлаб чиқилган электрон таълим платформаларидан фойдаланиб, амалиётга масофавий таълим ва

интернет орқали ўқитишни жорий қилиш билан мустақил билимларини мустаҳкамлашга ҳамда ўқув-услубий ресурсларни яратиш зарурлиги мазкур тадқиқот ишининг вазифаларини белгилади.

Диссертация тадқиқот ишининг иккинчи боби **“Олий таълимда ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг ўқув жараёнини ташкил этишнинг дастурий ва методик таъминотини таъминлаш методикаси”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда олий таълимда анъанавий ва масофавий таълим орқали ногиронлиги бўлган талабаларнинг амалий машғулотларда кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш модели, ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг ўқув жараёнига масофавий технологияларнинг дастурий таъминотини жорий этиш ҳамда “Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” (Умумқасбий) фанларини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси ҳамда ўқув-услубий таъминотини яратиш масалаларига қаратилган.

Ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларга “Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” (умумқасбий) фанларини ўқитишда Blended learning, Flipped learning, Лойиха, Smart, Podcast каби таълим технологиялари ва интерактив таълим методлари қўлланилди.

Технологиянинг мақсади: таълим жараёнида ўқитувчи ва талабаларнинг толиқишини олдини олиш, камроқ куч-қувват сарфлаш, фан бўйича билим, кўникма, малака ва шахс сифатларини шакллантириш. Тажриба-синов жараёнида қўлланилган “Blended learning” технологияси талабаларга қуйидаги имкониятларни беради:

офлайн ва онлайн режимда ўқув материали билан хоҳлаган вақтда танишиш; синов тестларини топшириб билимини синаш; аудио ва видео ёзувлардан, анимация ва симуляциялардан фойдаланиш; ўқитувчи-талаба ва талабалар ўртасида мулоқот ташкил этиш.

“Flipped learning” аралаш таълимнинг бир шакли бўлиб, таълим олувчиларнинг пассив ҳаракатини янги кўринишга ўтказувчи таълим концепциясидир. Замонавий шароитда таълимнинг сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур технологиялардан фойдаланиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Ўтказилган амалий машғулотларда интерфаол усуллар сифатида “Лойиха”, “SMART” ва “Podcast” методларидан фойдаланилди.

“Лойиха” методи мураккаброқ амалий вазифаларни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида билим ҳамда амалий кўникмаларни эгаллайдиган ўқув тизими ҳисобланади. Лойиха методи ҳар доим талабаларнинг (индивидуал) фаол мустақил амалий ишларига қаратилган бўлиб, улар машғулотларни маълум вақт давомида бажарадилар.

Лойиха асосида ўқитишнинг мақсади: талабаларнинг ўзлаштира олмаётган билимларини турли манбалардан олишларига шароит яратиш; олинган билимлардан ўқув-билиш ва амалий муаммоларни ҳал қилишда

фойдаланишни ўрганиш; уларнинг лойиҳалаш ва тадқиқот қобилиятларини ривожлантириш; тизимли фикрлаш, диққат, тасаввур ва хотирани кучайтириш.


SMART методи таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари асосида онлайн тарзда ташкил этиш имконини беради. Ушбу метод дарс жараёнининг қулай жой ва вақт тамойили асосида амалга оширилишини таъминлайди. SMART қуйидаги сўзларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган. S – specific – аниқ, M – measurable – ўлчовли, A – achievable – эришиладиган, R – time bound – вақт бўйича чегаралар каби маъноларни ўзида ифодаладиган таълим методи ҳисобланади. Мазкур метод мобил платформалардан, интернет тизими хизматларидан телеконференцалоқа, видео ва аудио медиалардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Соҳага тегишли етакчи амалиётчи мутахассислар билан онлайн дарсларни ташкил этиш имконини беради.

Podcast методи бу – аудио файлдир. Интернетда хоҳлаган вақт режимида тинглаш мумкин бўлган ҳолда жойлаштирилади. Видеокаст ва скринкаст усуллари талабаларга, бир томондан, дастурий маҳсулотлар билан индивидуал суратда танишиш, иккинчи томондан, ижодий қобилиятларини намоён қилиб, подкастлар кўринишида ўз ҳисоботларини яратиш имконини беради.

Тадқиқот ишидаги методологик ёндашувлар, ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг такомиллаштирилган ташкилий тузилмавий методик моделини қуришнинг таркибий ҳамда функционал жиҳатларини асослаб беришимизга шароит яратди. Таклиф этилаётган методик моделнинг таркиби учта асосий компонентдан ташкил топгани ҳамда ҳар бир компонент муайян вазибаларни бажариши билан ифодаланади. Методик моделнинг ишлаш самарадорлиги мураккаб педагогик шартлар билан таъминланади:

- ногиронлиги бўлган талабаларнинг амалий кўникма ва малакасини шакллантиришга амалий тайёрлиги;
- индивидуаллаштирилган таълимни ташкил этиш;
- ногиронлиги бўлган талабаларни лойиҳа фаолиятига жалб этиш.

АКТ асосида бўлажак муҳандисларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожланишига ҳисса қўшадиган моделнинг таркибий ва мазмуний компонентлари белгилаб олинди. Тадқиқот ишида таклиф этилаётган модел таркиби учта асосий компонентдан ташкил топгани ҳамда ҳар бир компонент муайян функцияларни бажариши билан ифодаланади. Мазкур таркиб бир-бирини тўлдирувчи мақсадли, ташкилий-мазмуний, таҳлилий-натижавий компонентларни ўз ичига олади. Ушбу компонентлар ўзаро боғлиқ ҳамда амалий кўникмаларни кетма-кет шакллантиришни ва талабанинг шахсий сифатларининг ривожланишини таъминлайди. Анъанавий ва масофавий таълимни ўзаро интеграциялаш модели асосида фанни ўқитишнинг ўзига хослигини акс эттирувчи умумлашган модел 2-расмда келтирилган.



2-расм. “Олий таълимда ногиронлиги бўлган талабаларнинг амалий машғулотларда кўникма ва малакаларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш модели.

Берилган модел ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи мақсадли, ташкилий-мазмунли жараён ва таҳлилий-натижавий компонентларни ўз ичига олиб, ушбу компонентлар ўзаро боғлиқ ҳолда ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган) талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларининг ривожланишини таъминлайди. Модел жараён элементларининг тизимли таркибини акс эттиради. Техника йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг амалий кўриниши вазифасини бажаради.

Бўлажак муҳандисларнинг анъанавий ва масофавий таълим орқали амалий кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришнинг такомиллаштирилган ташкилий тузилмавий методик моделининг мазмуни қуйидагича тавсифланади. Мақсад компонентида методик моделнинг мақсади аниқланади. Ташкилий-мазмунли жараён компонентида мақсадга эришиш учун фаннинг мазмуни, ДТС талаблари, ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилади, амалий кўникма даражасини аниқлаш ва амалий малака даражасини ривожлантириш ҳамда электрон таълим муҳитининг педагогик-ташкилий шарт-шароитлари аниқланади. Таҳлилий-натижавий компонентда эса амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлигини аниқлаш мезонлари ва даражаларини акс эттиради. Натижада эса амалий кўникмаси шаклланган муҳандисни тайёрлашга эришилади.

Тадқиқот ишида қўшимча қулайлик яратиш мақсадида масофавий таълим орқали ногирон талабалар учун амалий топшириқ, курс лойиҳа ва курс ишларини бажариш бўйича онлайн тушунтириш ҳамда маслаҳатлар бериш, мустақил ишларни қабул қилиш, талаба билан исталган вақтда боғланиш ҳамда фан бўйича турли ўқув-услубий манбалар билан танишиб фойдаланиш мақсадида “Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” (умумкасбий) фанларини ўқитиш бўйича электрон таълим платформаси ишлаб чиқилган ҳамда фойдаланиш йўлга қўйилган.

“Техник механика”, “Машина деталлари” ва “Конструкция материаллар технологияси” (умумкасбий) фанларини ўқитиш бўйича тўпланган тажриба ҳамда методик ёндашувларнинг таҳлили ҳар бир мавзу бўйича методик ишланмалар тайёрлаш; ўқитувчи томонидан ҳар бир талабанинг ўқув фаолиятини индивидуал қўллаб-қувватланишини ташкил этиш; ишлаб чиқилган электрон таълим платформаларидан фойдаланган ҳолда амалий машгулотларни ва мустақил таълимни ташкил қилиш ҳамда электрон таълим ресурсларини яратиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди.

Таълим жараёнида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилишнинг илгор методларини, ўқитишнинг анъанавий ва масофавий шакллариини ўзаро интеграциялашда аралаш таълим шаклини ҳамда тўсиқсиз муҳитни яратиш технологиясини тадбиқ этиш орқали ногиронлиги бўлган (таянч-ҳаракат тизими бузилган)

талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришга эришилди.

Диссертациянинг “Тадқиқотларнинг тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг тахлилий натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиали, Фаргона политехника институти, Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали, Гулистон давлат университетларининг 5320400 – Ноорганик моддалар кимёвий технологияси, 5321000 – Озиқ-овқат технологияси, 5320300 – Технологик машина ва жихозлар ҳамда 5112100 – Технологик таълим бакалавриат таълим йўналишлари ўқув жараёнида 2018-2019, 2019-2020 ва 2020-2021 ўқув йиллари давомида тўрт босқичда олиб борилди. Педагогик тажриба-синов ишларида таълим сифати назорати, олий таълим муассасаси амалиётчи психологи, тиббиёт ҳамшираси ва кафедра профессор-ўқитувчилари ҳамда юқоридаги олий таълим муассасаларидан тажриба ва назорат гуруҳларида жами 210 нафар талабалар қатнашди.

Тадқиқот иши бўйича педагогик тажриба-синов ишлари тўрт босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқич – тахлил қилиш босқичи. Тадқиқотнинг биринчи босқичида фаннинг ДТСга мос ўқув дастури, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар мазмуни ўрганиб чиқилди ҳамда улардан фойдаланиш бўйича муаммолар аниқланди. Ўрганилган муаммолар асосида тадқиқот мавзуси тахлил қилиниб, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, илмий фарази ва вазифалари аниқланди.

Иккинчи босқич – ташкилий-тайёргарлик босқичи. Педагогик тажриба-синов майдонларида дастлаб фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш ишлари амалга оширилди.

